Inson – oliy boylik

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

2009-yil 6-yanvar № 2 (2571) seshanba

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши ўғил-қизларимизнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, Кадрлар тайёрлаш умуммиллий дастурини ҳаётга жорий этиш, олий ўқув юртларини, янгитдан барпо этилган лицей ва коллежлар битирувчиларининг жамиятимизни янгилаш, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган том маънодаги ҳал қилувчи кучга айланиши учун мамлакатимизда янги имконият ва шароитлар туғдириб берди.

Ислом КАРИМОВ

Сарвар СУЛТОНОВ, физика-математика факультети 2-босқич талабаси:
— Мен бу йил етакчи мураббий бўлиб келдим. Ўтказилаётган ҳар бир машғулот талабаларнинг нотиқлик, етакчилик каби бир қатор қобилиятларини юзага чиқаришда муҳим босқич вазифасини ўтайди.

Тадбир

Фаолларнинг қишки мактаби

Мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорини намоён этиши учун зарур шароит яратиб бериш борасида қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Шундай тадбирлар Гулистон давлат университетида ўзига хос тарзда ташкил этиляпти. Ҳам ўқишда, ҳам жамоат ишларида илғор бўлган талабалар орасидан саралаб олинган 50 нафар ёшлардан иборат гуруҳ 4 январ куни Қибрай туманидаги «Ботаника» санаторийсида тўпланди.

4 йилдан буён анъанавий тарзда ташкил этилаётган ушбу қишки мактабнинг мақсади таътилни мазмунли ўтказиш, талабаларда етакчилик малакаларини шакллантиришдир.

Мазкур тадбир Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Миллий ғоя ва мафкура» республика илмий-амалий маркази, «Камолот» ЁИҲ марказий кенгаши ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, қишки фаоллар мактаби тадбирларини уюштиришда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Қишки фаоллар мактабининг дастуридан давлат ва фан арбоблари, таниқли кишилар билан учрашувлар ташкил этиш, уларнинг жамиятда бўлаётган туб ислоҳотларга муносабатини ўрганиш, замонавий раҳбар қандай бўлиши кераклигини психоаналитик таҳлил қилиш, Тошкент шаҳрининг тарихий обидалари ва бир қатор ташкилотлар фаолияти билан танишиш ҳам ўрин олган.

Биз тадбир иштирокчиларининг фикрлари билан қизиқдик.

Ёдгора РАҲМОНАЛИЕВА, педагогика факультети, 3-босқич талабаси:
— Икки йилдан буён тадбирларда қатнашиб келаман. Олган билимларим натижасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва «Меҳр нури» жамғармаси томонидан таъсис этилган стипендия соҳиби, «Келажак овози» республика танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлдим. Бу мактаб бизни фаолликка ўргатади.

Ёшлик жасорат ва жўшқинлик фаслидир.
Р.ТАГОР

Фазлиддин ЖАЛИЛОВ, иқтисодиёт факультети 3-босқич талабаси:
— Ўтган йилги қишки фаоллар мактабида вилоятдаги коллеж талабаларини ҳам фаолликка чақириш ҳақида фикр билдирган эдим. Ёшлар йилида вилоятимизнинг барча туманларида бўлиб, коллежлардаги юзлаб ёшлар орасида тарғибот олиб бордик.

Тадбир шу йилнинг 9 январига қадар давом этади.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» мухбири
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Насиба УМАРОВА, физика-математика факультети 2-босқич талабаси:
— Мактабимиз тингловчилари ва семинар-тренингларда бир қадар юксалиш, такомиллашишга кўраяпман. Сафимиз йил сайин кенгайиб бораётганидан хурсандман. Чунки бунда ёш мураббий сифатида менинг ҳам ҳиссам бор.

Янги йил янгиликлари

Шўртан газ-кимё мажмуаси маҳсулотлари юқори сифатлилиги билан халқаро танловларда эътироф этилган. Шунинг учун корхона маҳсулотларининг талай қисми хорижга экспорт қилинмоқда.

Корхона маҳсулотларига сертификат

«Ўзстандарт» агентлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ўзбекистоннинг энг яхши маҳсулоти» кўрик-танловида мазкур мажмуа ғолиб деб топилди.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигидан хабар қилинишича, илғор жамоа суюлтирилган ва товар газ, конденсат, техник олтингугурт, полиэтилен гранулалари ҳамда тайёр полиэтилен маҳсулотларига «Ўзбекистоннинг энг яхши маҳсулоти» белгисини қўйиш ҳуқуқига эга бўлди.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ishonch» мухбири

«Қумқўрғон истиқлоли» бош бекатида йўловчиларга намунали хизмат кўрсатилмоқда. Бош бекат ҳудудида мижозлар учун «Зиё Довуд» хусусий корхонаси Шўрчи—Қумқўрғон, Қумқўрғон—Арпапоя, Қумқўрғон—Сайхон йўналишларида қатновни йўлга қўйган. Бугунги кунда 30 дан ортиқ автотранспорт эл хизматида.

Йўловчилар миннатдор

Бундан ташқари, «Жасур—Маржон» хусусий корхонаси юк ва йўловчи ташишни ривожлантириш мақсадида ишлаяпти. Ҳайдовчиларга лицензия олиш, меҳнат дафтарчаси юритиш кафолатланган.

«Қумқўрғонтранссервис» шаҳарлараро юк ва йўловчи ташиш хусусий корхонаси кенг миқёсда иш юритаяпти. Корхонада 30 та йўловчи ташиш ва 31 та юк машинаси асосан бош бекат ва «Бандихон» бекатида хизмат кўрсатмоқда. Йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш учун барча шароит яратилган.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

— Келгуси йил ҳосилига пухта замин яратиш мақсадида занжирли трактор механизатори Йўлчи Турсунов ноябр ойида ғўзапояси ўриб янчилган 24 гектар ерни сифатли шудгорлаб қўйди, — дейди Ёзёвон тумани Қоратепа қишлоғидаги «Фар—Холмамат» фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Мадаминов.

Техника кўмакчи

— Шудгорнинг чуқурлиги 45-50 сантиметрдан кам эмас. Ер бўш, трактор зўриқмайди. Қишда ёққан қор натижасида шудгорланган ер у қадар музламайди. Кўкламда бегона ўт босмайди, зарарли ҳашоратга ҳам қирон келади. Келгуси йил ҳосили бевосита сифатли шудгорга боғлиқ.

У ҳақ. Ерни ўзимники деб ишлаган деҳқон ютқазмайди. Мазкур хўжаликда 38 нафар ана шундай инсон қўлни қўлга бериб меҳнат қилаётир. Улар юмушини эса «МТЗ-80», «Т-40» тракторлари ҳамда «ГАЗ-53» юк машиналари енгиллаштираяпти. Бу йилги соф фойда эвазига яна битта «ТТЗ» русумли чопиқ трактори сотиб олишди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Сардоба туманининг энг олис аҳоли ҳудудларидан бири — «Баҳор» қишлоғида қад ростлаган қишлоқ врачлик пункти кейинги йилларда таъмирталаб, яроқсиз аҳволга келиб қолган эди. Саховатпеша инсонлар омон бўлсин. Ҳашар туфайли шифохона биноси таъмирланиб, гўзал қиёфага кирди.

Яшасин кўпчилик!

Обрўли оқсоқоллардан бири, туман кенгаши депутати Файзи Ҳожиматов, Бобур номидаги паррандачилик ҳиссадорлик жамияти раиси Ҳасан Ҳожиматов, шунингдек, Музаффар Сувонқулов, Эргаш Қўзибоев, Синдор Тўйчиев, Шерали Пардаев, Янгибой Холиқулов, Тўлқин Қўчқоров, Абдуғаффор Сувонқулов, Гулнора Алиқулова каби фермер ва тадбиркорлар қишлоқ шифохонасини таъмирлаш ишларига бош қўшдилар. Кимдир шифер, кимдир ёғоч, яна бошқаси бўёқ, оҳак келтирди. Ёш яланглар енг шимариб таъмирлаш ишларида қатнашдилар. Ҳамқишлоқлар ҳиммати-дан ҚВП жамоасининг боши кўкка етди. Айни кунда шифо маскани қишлоқ аҳлининг саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда.

Анорбой НОРҚУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Янги йил арафасида Самарқанд шаҳрида 64 та ёш оила уйли бўлди.

Янги уйлар

Ўтган йилнинг поёнида «Камила» ишлаб чиқариш тижорат фирмаси ҳамда «Сампрестижстрой» МЧЖ қурувчилари хайрли ишга бел боғлашганди. Бунёдкорлар фидокорона ишладилар.

— Янги уй соҳибига айландик, — дейди шундай бахтга эришганлардан бири Ориф Мизомов. — Ёш оилаларни қўллаётган давлатимизга раҳмат.

Нурулла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Йилбоши қувончи

Бухорода Президент арчаси

Бухорода «Президент арчаси» тантаналари хурсандчилик билан нишонланди. «Бухоро-Палас» меҳмонхонаси ёнида ўрнатилган улкан арча атрофида 32-меҳрибонлик уйи, вилоятлараро ихтисослаштирилган болалар уйи тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари янги йилни завқ-шавқ билан кутиб олди.

Жиззахда янги йил ҳар қачонгидан-да файзли нишонланмоқда. Айниқса, болаларнинг қувончи чексиз.

Вилоятнинг бош майдонида салобат ила қад ростлаган йигирма метрли арча атрофида Қорбобо ва Қорқиз болаларни байрам билан қутлаб, совға-салом улашади. Саҳнада эса куй-қўшиқ янграмоқда. Расталарда турли ноз-неъматлар савдоси авжида.

«Нуроний», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа нодавлат ташкилотлар томонидан 286 нафар етим, қаровсиз қолган, кам таъминланган оилалар фарзандларига, ногирон болаларга турли-туман ширинликлар ҳамда ўқув қуролларидан иборат Президент совғалари топширилди.

Бухоро кўғирчоқ театри артистлари ва бошқа санъаткорлар иштирокида тайёрланган байрам томошаси кичкинтойларга бир олам қувонч улашди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Тароватли, шукуҳи ўзгача

«Президент арчаси» тадбирлари Юнус Ражабий номидаги вилоят мусиқали драма театри биносида бўлиб ўтди. Тантаналарда иштирок этган меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига Президент совғалари топширилди. Янги мусиқали драма намойиш этилди.

Анъанага кўра байрам кунлари ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, совға-салом улашилди, қарияларга эҳтиром кўрсатилди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳам бундай саховатли ишдан четда қолмади.

Абдуманнон АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Болалар яйрашди

Янги йилни ҳаммадан ҳам болалар интиқ кутади. Анъанага кўра бу йил ҳам самарқандлик болалар Президентимизнинг янги йил совғаларини олишга мушарраф бўлдилар.

Вилоят ҳокимлиги ташкил этган байрам тадбирида меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, етимлар, «SOS» маҳалласи болалари, ватан осойишталиги йўлида фидо бўлганларнинг фарзандларига эҳтиром кўрсатилиб, юртбошимиз туҳфаси топширилди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари эса 390 нафар кам таъминланган оила фарзандларини совға билан таъминлади.

Ўз мухбиримиз

Бир ўлкаки...

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Излаган имкон топади

Ҳаётда ҳеч нарса бир текис давом этавермас экан. Тасодиф туфайли турмуш ўртоғим оламдан ўтгач, қаттиқ-қойимликларга бир-бир бошимиз урила бошлади. Бир этак ёш болакайлар ейман, кияман деганича жавдирашса, караб туриб бўларканми?! Амаки, тоғалари ҳам ўз кунига омон бўлишсин экан. Ҳаёт мажбур қилиб, ўзимизни ҳар тарафга ташлашимизга тўғри келди.

Томорқа кўмакдошимиз бўлди

Ҳовлимизда тўрт туп кексайган олма, нок дарахтлари бўлиб, анча майдонга соя солиб келарди. Дастлаб, уларни каллаклатиб, томорқани очиқ майдонга айлантиришга киришдик. Кейин эса кичик-кичик майдончаларга бўлиб чиқдик. Чердак остида икки қоғоз халтага жойланган саримсоқпиёз турарди. Ўшани тушириб, бўлакчаларга ажратдик. Сўнгра офтоб тиғига рўбарў қилиб, эгатча тортдик-да, саримсоқпиёз бўлакчаларини маҳаллий ўғит билан тўйинтирилган эгатларига эринмай битта-битталаб қадаб чиқдик. Қишда ер музлаб, уруғ увол бўлмаслигини ўйлаб, уларнинг устидан ярим қаричлар чамасида майин қўй нуриси дан ҳам ийлаб солдик.

Ҳовлимизнинг ташқари томонида ҳам икки сотихга яқин ташландиқ майдон бўлиб, каллакланган тол тагига мол бойлаб қўйиларди. Ҳар томонидан кетмонлаб, ўша ерларни ҳам экин майдонига айлантирдик. Сувга қулай ва қумлоқ бу ялангликка кузда экиладиган гулисурх пиёзи сепиб, бехато кўкартириб олдик. Парвариш яхши бўлдими ёки экин ер хоҳладими, ўша йили пиёз ва саримсоқпиёзларни бойлам-бойлам қилиб сотиб, анчагина даромад қилдик.

Май ойининг бошларида экиндан бўшаган майдонларга ишлов бериб, бир қисмига янги навли картошка, қолган жойга эса қанд лавлагиси қадаб чиқдик. Эрта кузда уларни кавлаб, яхшигина хирмон кўтардик. Ўрнига ишлов бериб, яна пиёз ва саримсоқпиёз уруғини ундириб олдик.

Кейинчалик маҳсулотларимизнинг сифатини кўрган бозорчи аёллар кўтарасига савдолашиб, қўлимизга яхлит пул ташлаб кетадиган бўлишди.

Дарвоқе, офтобга ўн солинган ҳовлимиз супаси бўйлаб 12 туп тойфи узум қаламчасидан ўтказ ган эдик. Мана қарийб 15 йилда буён 1 тоннага яқи узум ҳосилини қиров палласигача асраймиз. Арик бўйида 20 тупча аноримиз ҳам бор. Узум билан анорни ҳар йили янги йил арафасидан то Наврўз байрамигача сотиб, пулини рўзғорнинг кам-кўстига яратамиз.

Бир сўз билан айтганда, томорқадан ҳар йили 2,5-3 миллион сўм атрофида даромад қилаяпмиз. Ўғил-қизларимнинг барини ўқитдим. Қиз чиқариб, келин туширдим. Агар томорқа бўлмаганида, бунча муаммолар ечимини топишнинг ўзи бўлармиди?!

Айрим қўшниларимизнинг тутимини кўриб, ҳайрон қоламан. Ҳайҳотдай томорқа унинг умрини бир неча боғлам маккажўхори поясини кўтариш билан ўтказиб юборишади. Ахир, бу увол эмасми?

Раъно САЛОҲИДДИНОВА,
Нарпай туманидаги Бобур ширкатлар уюшмаси

Орамиздаги одамлар

Маҳобатли зал. Унда мамлакатнинг олий мукофотларини топширишга бағишланган тадбир ўтказилмоқда. Ҳамманинг юзида табассум, қалбида қувонч. Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг Бухоро вилоят бўлими раиси Бевит ака Жумаевнинг исми шарифи ўқилганда, залда гулдурос қарсаклар янгради. Унинг кўксини «Эл-юрт хурмати» ордени безади. Бундай юқори даражадаги иззат-икром учун Бевит ака Юртбошимизга, халқимизга чексиз миннатдорчилик изҳор этди.

Бизнинг оқсоқол

Б.Жумаев ҳаётида ўша кун ўчмас из қолдирди. Авваліга ишхонасидан, кейин хонадонида табригу олқишлар ёғилди. Даста-даста гуллар тақдим этилди. Телефон орқали қутловларнинг-ку чеки йўқ. «Қизил равот», «Жонгелди», «Кўкча» каби чўпон ўтовлари-ю турли шаҳарлардан ҳам қўнғироқлар тинмади. Очиғини айтганда, бу ҳол оқсоқол учун янгилик эмас. 2004 йилда ҳам унга давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири «Дўстлик» ордени тантанали равишда топширилган эди. Тўрт йил мобайнида Ватанимизнинг иккита юқори даражадаги орденига сазовор бўлиш ҳар қандай инсонга насиб қилавермайди. Шунингдек, у 2006 йилнинг охирида Президентимиз илтифотлари туфайли муқаддас Ҳаж сафарида бўлиб қайтди.

Салкам тўққиз йилдирки, Бевит ака Жумаев Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Бухоро вилояти бўлимида фаолият кўрсатиб келди. У дастлаб фаолиятини бошлаган пайтда бўлим танг аҳволда эди. Бевит аканинг меҳнатсеварлиги ва фидойилиги ўзининг ижобий самарасини берди.

Бундан уч йил илгари вилоятдаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари 465 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 546 тага етди.

2005 йилдан бери шаҳар ва туманларда 100 га яқин маҳалла марказлари қурилиб, уларда ҳомийлар ва аҳоли маблағлари ҳисобидан 300 дан ортиқ савдо, 196 та маиший-хизмат кўрсатиш шохобчалари, 40 километрдан зиёд тоза ичимлик суви тармоқлари фойдаланишга топширилишида оқсоқолнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Қишлоқларда спортнинг оммавийлашувига кенг йўл очилмоқда. 100 дан ортиқ қишлоқ ўйингоҳлари капитал таъмирланди. Когон шаҳри, Бухоро, Вобкент, Жондор туманлари марказларидаги маҳаллалар ҳудудида кўплаб спорт майдончалари ташкил этилди.

Жамғарма ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз полвонлари» мусобақалари қарийб 40 минг болаларга ўз маҳоратларини намойиш қилиш имконини бермоқда. Вилоят ёш футболчилари Республика босқичларида ҳам муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Кейинги икки йилда 214 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага жамғарманинг вилоят, шаҳар ва туман бўлинмалари, шунингдек, 547 оилага ҳомийлар ҳисобидан бепул қора мол тарқатилишида Бевит ака бошқош бўлди. Кам таъминланган оила фарзандларининг 4 минг нафарга яқини ёзги дам олиш оромгоҳларида бепул ҳордиқ чиқариши ташкил этилди.

Умумхалқ байрамлари, тўй-маросимлар, миллий анъаналар ва бошқа тадбирларни камхарж қилиб ўтказишда, «Энг ибратли маҳалла», «Энг намунали оила», «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Менинг спортчи оилам», «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилиш» каби кўрик-танловларининг вилоятда юқори савияда ўтказилишида ҳам оқсоқолнинг хизматлари катта.

— Мустақил мамлакатим тинчлиги ва фаровонлиги ҳаётим мазмуни, — дейди Бевит ака Жумаев.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Қандай яшаяпсиз, ҳамқишлоқ?

Ўтамиз Ўғалари

Мирзаобод туманида Деҳқонобод деб номланувчи сўлим бир қишлоқ бор.

4582 нафар аҳолининг ярмидан кўпроғини, аниқроғи, эллик саккиз фоизини ўттиз ёшгача бўлганлар ташкил қилади. Ёшлар ҳақида гап очилса, бас, суҳбат ройиши Раҳимжон Муҳамедов номидаги 21-ўрта мактабга бориб тақалади. Негаки, бу илм маскани эришган муваффақиятлари учун 1996 йилда ЮНЕСКОнинг фан ва маданият йўналиши аъзолари сафига қабул қилинган.

Ажойиб педагог ва моҳир ташкилотчи, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Баҳодир Розиқов мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил қилинган «Эҳтиром» китобига номлари муҳрланган дастлабки 13 кишининг бири ҳисобланади. Бу бежиз эмас, албатта. Битирувчиларнинг аксарият қисми бугун халқ хўжалигининг турли жабҳаларида самарали фаолият юритаётир. Айнан шу мактабдан икки нафар фан доктори, олти нафар фан номзоди чиққан.

Қишлоқ мактабини муваффақиятли тамомлаб, илмнинг сермашаққат сўқмоқларидан нурли манзиллар сари дадил интилаётган йигит ва қизлар кўпчилигини ташкил этади. Улардан бири — Нилуфар Одилова. У Гулистон Давлат университетининг табиатшунослик факултетини битириб, ҳозирги пайтда «Мирзачўл воҳасида доривор гулхайри ва оқгулхайри ўсимлигининг экобиологияси» мавзусида илмий иш олиб бораяпти. Укаси Беҳзод Одилов эса шу университетда бакалаврлик дипломини олгач, Ўзбекистон Миллий университетининг магистратурасини ҳам тамомлади. Эндиликда Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Ботаника илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида аспирант.

Деҳқонободликларни томорқа академиклари, деб бекорга айтишмайди. Ёшлар бу соҳада ҳам ишларни муносиб давом эттиришмоқда. Битта мисол. Камолиддин Алибеков бу йил 19 баҳорни қаршилашига қарамасдан, аллақачон мултимиллионер бўлишга улгурди.

Мустақил давлатимиз яратиб берган имкониятлардан унумли фойдаланган Камолиддин 20 сотих ерда иссиқхона қуриб, икки йил даёқ мўмай фойда олишга эришди.

Ёшларда бўш вақтнинг ўзи йў Меҳнатобод фуқаролар йиғини ч унинг ёшлар билан ишлаш комис сияси қатор маданий ва спорт тадбирларини уюштирмоқда. Дарвоқе, қишлоқ спортчиларининг қўлга киритган ютуқлари ҳам таҳсинга лойиқ.

Жаҳонгир Кўчмуродов спортнинг кикбоксинг тури бўйича дастлаб ёшлар, кейин эса катталар ўртасида Осиё, шунингдек, жаҳон чемпиони бўлди. Издошлари Жаҳонгир Жўрабоев спортнинг шу тури бўйича қўшни Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги миқёсида ўтказилган халқаро турнирнинг кумуш медалини қўлга киритди. Шерзод Одилов эса таэквондонинг ITF йўналиши бўйича Самарқанд шаҳрида ташкил қилинган мамлакатимиз чемпионатида ғалаба қозонди.

Мактаб қошида фаолият кўрсатаётган «Дилрабо» дастаси ҳақида ҳатто хорижда ҳам билишади. Дастa раққосаси Ҳилола Баҳодирова бундан тўрт йил илгари Муқаррама Турғунбоева хотирасига бағишланган республика кўрик-танловининг ғолибаси бўлган.

Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ
«Ishonch» мухбири

Тадбир

Бўш иш ўринлари ярмаркаси

Андижон шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, «Маҳалла» хайрия жамғармаси шаҳар бўлими ва бандликка кўмаклашувчи марказ ҳамкорлигида «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ўтказилди. Унга касб-ҳунар коллежини тамомлаган ёшлар, ишсиз фуқаролар таклиф қилинди.

Тадбирда турли мулкчилик шаклида фаолият олиб бораётган 87 та хўжалик юритувчи субъект, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари, ташкилот ва корхоналар томонидан 895 та бўш иш ўрни таклиф этилди. Иш сўраб мурожаат қилган 300 нафар фуқаролардан 250 нафарига тегишли йўлланмалар берилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Деҳқон бозорида Деҳқон борми?

Одатда юртнинг фаровонлиги бозорига қараб баҳоланади. Бу жиҳатдан қувонсак арзийди. Бозорларимиз тўкин-сочин. Расталарга қараганинг сайин кўзинг қувнайди. Мева-сабзавотлар ҳозиргина узилгану сўнг бу ёққа келтирилгандек! Аммо бозор айланиб юрганимизда бундай маҳсулотлар нархи бироз баланд эканлигидан ажабландик. Масалан, Қўйлиқ мавзесидаги деҳқон бозорида бир кило пиёз 900-1000 сўм, картошка 700-800 сўм, сабзи 600-800 сўм, бодринг 3200 сўм, помидор 1500 сўмдан сотилмоқда. Бошқа турдаги мева-сабзавотлар бундан-да қиммат. Шунга қарамай расталар харидорлар билан гавжум.

— Картошка олмоқчийдим, килосини беш юз сўмдан берақолинг.

— Ия, ўзим беш юздан олганман буни. Сизга ўз нархига берсам, ўзимга нима қолади?

— Қаёқдан... олгансиз?

— Кўтарасига сотиб олганман! — очиғини айтиб қўя қолади сотувчи.

Бутун бозорни айланиб чиқсангиз бундай муомалани ҳар қадамда эшитасиз. Англайсизки, «ўзимга нима қолади» дегувчиларнинг ҳаммаси деҳқон эмас, олибсотар экан. Ажабо, деҳқон йил бўйи машаққат билан ҳосил етиштиради, сўнг уни қоплаб бозорга келтиради, олибсотарлар дарвоза ёнидаёқ уни авраб юкини арзонгаровга олиб қолишади. Кейин эса қопдаги мева-сабзавотларни артиб-ялтиратиб, пештахтага тахлаб (муҳими, ўз нархига яна 200-300 сўм қўшиб) харидорга пуллашади. Қарабсизки, осонгина даромад топиш олибсотарлар сафини кун сайин кенгайтираверади. Шу боис аксарият жойлардаги деҳқон бозорида деҳқон йўқ...

— Орқа томонда «ёйма бозор» бор, ўша ерда мева-сабзавотлар анча арзон, — дейишди бизга.

Қўйлиқ бозорининг орқа дарвозасидан чиқдик. «Ёйма бозор» деганлари каттагина майдон экан. Атрофи очиқ-сочиқ, усти беркитилмаган жойларда деҳқонлар ўтириб олиб, маҳсулотларига харидор чақираяпти. Нархи анча арзон. Ажаб, деҳқонлар ноқулай шароитда — кўча юзида савдо-сотиқ қилишса-ю олибсотарлар Деҳқон бозорининг энг кўркам жойларини эгаллаб ўтиришса?! Шу адолатданми?!

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Бўз» деҳқон бозорини айланаётганимизда юқоридаги саволларимизга жавоб топгандек бўлдик. Бу ерда ҳам шу аҳвол: олибсотар раста ёнида-ю деҳқонлар дарвозадан ташқарида савдо қилишаяпти.

— Қибрайдан келганман, ҳар куни шу ерда картошка сотаман, — дейди ўзини Мушарраф Усмонова деб таништирган аёл. — Жуда ширин навли картошка етиштирамиз, унча йирик бўлмаса-да, овқатга маза киритади, эзилиб кетмасдан юмшоқ пишади. Харидорларим кўпроқ олиб келинг дейишади, лекин ёғин-сочинли кунларда бу ерга келолмайман-да!

— Бозор ичига кириб савдо қилсангиз бўлмайдими, ахир у ерда ҳамиша шартшароит бор-ку?!

— Бозорга бизни киритишмайди...

— Нега?

— Жой йўқ дейишяпти. Шу атрофда яшайдиганлар эгаллаб олган-да, деҳқоннинг маҳсулотини олиб қолиб кун бўйи ўтириб сотишади.

Биз йўлимизда равона бўлдик. Ҳалиги аёл ортимиздан етиб келиб бизни тўхтатди. «Айланайлар, мен тўғрисини айтдим, бу гапим бозор каттаконларининг қулоғига етмасин, тағин бу жойимдан ҳам айрилиб қолмайин», — деди.

«Буюк ипак йўли» метро бекатидан чиқаверишдаги кичкина бозорча шаҳар аҳлига кўпдан бери маълум. Аниқроғи, олибсотарларнинг кўча бўйини «деҳқон бозори»га айлантириб олишганига ўн йилдан ошди. Пиёдалар учун мўлжалланган бу торгина кўча (тротуар десаям бўлади) эрталаб ва кечки пайтларда машиналар билан тўлиб кетади. Йўл четидаги қатор дўконларга нон ва ширинликлар келтираётган ҳамда шу яқин атрофдаги кўп қаватли уйларнинг ҳовлиларига кириб-чиқаётган бу машиналар баъзан пиёдаларнинг юришигаям халақит беради. Бунинг устига кўчанинг икки юзида қаторлашиб ўтирган «бозорчи»ларнинг асаби таранг бўлгани, машиналарга ҳайҳайлашиб, қоп ва қутиларини четга олгани-чи?! Шундай ноқулайликлар кунига турли кўнгилхиралик ва жанжалларни келтириб чиқармоқдаки, бу ҳолни ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳам бартараф этишолмаётир.

Ўйлаб қоласан киши. Юртимизда йирик иншоотлар қатори бозорлар, дўконлар кетма-кет қурилиб, ишга туширилаётир. Аммо бу бозорларда негадир деҳқонлар эркин савдо қилишолмайди. Бунинг сабаби нимада? Бизнингча, жойларда деҳқон бозорларини янада кўпайтириш зарур. Негаки, деҳқонларимиз маҳсулотларини кўркам бозорларда қулай шароитларда сотса, ўз харидорларига эга бўлса, шунингдек, ўзлари ҳам меҳнатига яраша фойда олса, албатта, яхши-да!

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МУКАММАЛ БЎЛСА...

Сирдарё таълим муассасаларида меҳнат қилаётган 60 мингдан зиёд касаба уюшмаси аъзосининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда жамоат ташкилотимизнинг ўрни беқиёс. Албатта, бу борада тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларининг аҳамияти катта.

Тармоқ келишувлари вилоят халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамда туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ҳамкорлигида 2006-2008, 2008-2010 йиллар учун имзоланган. Ҳозирги кунда вилоят миқёсида 2 та, туман ва шаҳар миқёсида 11 та шундай ҳужжат қабул қилинган. Вилоятдаги 37 та таълим муассасасида жамоа шартномалари имзоланган.

Жамоа шартномаларини мукаммаллаштириш мақсадида 2007 йил апрел ойида ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси тизимида бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси тузилди. Эндиликда жамоа шартномаси билан қамраб олинган касаба уюшмаси аъзолари сони 60 минг 191 нафарга етди.

Мактабларнинг барчасини жамоа шартномаси билан қамраб олиш мақсадида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашлари ва вакиликлари тугатилиб, бирлашган касаба уюшма қўмиталари ташкил этилди. Келишув ва шартномаларда белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши мунтазам равишда муҳокама қилиб борилмоқда.

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан 815 нафар илғор ходимга 11 млн. 702 минг сўм мукофот берилди. 220 нафар пенсионер касаба уюшмалари тасарруфидаги сиҳатгоҳларда соғлиғини мустаҳкамлади. Маданий тадбирлар ҳамда спорт мусобақаларини ўтказишга касаба уюшмалари ҳисобидан 65 млн. 236 минг 200 сўм сарфланди.

Афсуски, бу кўрсаткичларни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Чунки жамоа келишувлари бирлан ҳар бир бошланғич ташкилотга етиб бориш осон кечмади. Эндиликда мана шу кемтикни тўлдириш мақсадида ҳар бир мактаб, коллеж ва лицей бўйича алоҳида жамоа шартномасини тузиш афзаллиги кенг тушунтирилди.

Касаба уюшмасида узоқ йиллар ишлаган ходимлар яхши билади: халқ таълими ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича ажратилган маблағ етарли эмас. Битта мисол шуки, Оқолтин тумани ХТБ қошидаги мониторинг бўлими бошлиғи Абдуаҳад Қурбонқулов ишлаб чиқариш жараёнида бахтсиз ҳодиса қурбонига айланди. Афсуски, боқувчисини йўқотган оилага 4 млн. 487 минг

Нуқтаи назар

сўмлик товон пулини ундириб бериш 2 йилдан ортиқ вақтга чўзилди. Мазкур масала фақат Молия вазирлигига мурожаат қилингандан кейингина ҳал бўлди. Ҳар бир бахтсиз ҳодиса бўйича Молия вазирлигига чиқиш шартми?

Иккинчидан, таълим муассасаси биносини ёнғиндан сақлаш мақсадида чордоқлар ва жиҳозларга ишлов бериш учун махсус суюқлик харид қилиш зарур, молия бўлимлари эса бунга маблағ ажратиб бермаяпти. Электр ускуналарини юқори кучланишда синовдан ўтказиш, шунингдек, Меҳнат кодексининг 214-моддасига мувофиқ ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш учун ҳам маблағ ажратилмаганини қандай тушуниш мумкин?

Учинчидан, санитария-эпидемиология хизмати, давлат техника-меҳнат инспекторлари томонидан у ёки бу муассасада маблағ ажратилмаганлиги сабабли битказилмаган ишлар ва тугатилмаган камчиликлар учун мактаб, боғча, коллеж ва лицей раҳбарларига жарима солинмоқда. Бу қайси адолатли қонунга тўғри келади?

Бир мисол, Гулистон шаҳар бандликка кўмаклашувчи марказ нозири шаҳардаги мактабларга бориб, фаррошларга полларни ювиш учун кукун олиб берилмаган, улар нега махсус кийим-бош билан таъминланмаган, йўлакларда чироқлар куйган, ўчиргичлар эскирган, бу эса хавфли, нима учун патронлар янгиланмаган каби юзлаб айбларни раҳбарлар гарданига юклаб жарима солмоқда. МЖТКнинг 49-моддасига асосан уларга энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдорида жарима солиб, ушбу суммани тўлаш учун 15 кунлик муҳлат ҳам берибди. Мактаб раҳбари бу пулни қаердан олади? Маошидан тўлайдиган бўлса, ўзининг бола-чақасини қандай боқади?

Албатта, санитария-эпидемиология ҳамда бандликка кўмаклашувчи марказ ходимлари ҳам маълум бир буйруқ ва кўрсатмалар асосида вазифаларини бажаришаяпти. Ўйлаймизки, Молия вазирлигининг жойлардаги бошқарма ва бўлимлари 2009 йилги маҳаллий бюджетни режалаштиришда ушбу муаммони ҳисобга олади деган умиддамиз.

Қаршибой ЭШНАЗАРОВ,
Сирдарё вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси

МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

Шеробод туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги мактабларда Президентимизнинг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ижросини ўрганганимизда ўқитувчиларнинг ойлик маоши такомиллаштирилган тизим асосида ҳисоб-китоб қилинаётганига гувоҳ бўлдик.

— Ушбу қарорлар туфайли муаллимларнинг касбига бўлган ишончи, меҳнат унумдорлиги ортди, — дейди 43-мактаб директори Шоймардон Худойқулов. — «Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси тўғрисида»ги низомга кўра мактабимиздаги 52 ўқитувчидан 26 нафари устама ҳақ оладиган бўлди. Изланувчан, ташаббускор физика фани ўқитувчиси Янгибой Темировга энг юқори устама ҳақ тўлаяпмиз. Она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари Ҳанифа Ражабова ва Нодира Тожиева ҳам синфдан ташқари ишлари учун шундай имтиёздан баҳраманд бўлаяпти.

Қарор ва ижро

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг бундай усули таълим тизими ривожига ҳисса қўшиш билан бирга изланувчан, билимдон кадрлар қўпайишига олиб келмоқда.

41-мактабда 858 нафар ўқувчи икки сменада таълим олади. Директор жамғармаси маблағларини тақсимловчи комиссия таркибига тажрибали ўқитувчилар, бошланғич касаба уюшмаси раиси, фаол ота-оналар ҳам киритилган. Улар билан келишган ҳолда ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштириши давлат таълим стандартига қиёсан бошланғич синфлар учун 98 фоиз, юқори синфлар учун 95 фоиздан кам бўлмаган ҳолатда уларнинг муаллимларига энг кўп устама ҳақ белгиланаяпти. Зиёда Жумаева, Эркин Жўраевларнинг ноанъанавий усулда дарс ўтиши намунали деб эътироф этилди. Шунинг учун улар айни кунда директор жамғармаси ҳисобидан ҳам пул олишмоқда.

Афсуски, тумандаги барча мактабларда бу борада рисоладагидек иш олиб борилаяпти деб бўлмайди. Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармасидан олинган маълумотга кўра, эзгу ишга совуққонлик билан ёндошиш ҳолатлари аниқланган.

Туман халқ таълими бўлими мудири Холмўмин Азимовнинг айтишича, айни пайтда мазкур камчиликлар бартараф этилган.

Д. РУСТАМОВ

НЕГА ШОШДИНГ, ХУРСАНДОЙ?

Турмуш чорраҳаларида



Шифохонанинг жонлантириш хонасида ёши ўттизлардан ошган, ҳолсиз, рангрўйи оқарган жувон ётарди. Беморнинг бош томони анча баланд кўтарилган бўлса-да, у талваса билан қаддини тутишга уринарди.

— Мен ўламан! Қани ўғилларим? Менга Бунёдимни, Бекзоджонимни топиб беринглар!

Ташқарида ва кутиш залида жигаргўшалари, бироз юпун кийинган болалар ҳам мижжа қоқмай кутишарди.

Сирка кислотаси ичган бу аёлни қутқариш учун кўп уринишлар бўлди. Кейинги уч кун ичида барча имкониятлар ишга солиб кўрилди. Ҳатто Навоийдан моҳир мутахассислар ҳам чақирилди. Шунга қарамай тўртинчи кун тонготарида жувон ўлди.

Навбаҳор туманининг «Армижон» маҳалласида 1993 йилдан бошланган бахтиёр оилалар соҳибига ҳавас қилганлар кам эмасди. Йиллар ўтиб дунёга келган икки ўғил оила ришталарини янада мустаҳкамлади. Гарчи ўқимаган, бирон-бир касбнинг бошини тутмаган бўлса-да, оила сардори бола-чақам, рўзғорим дея елиб-югурди. Аммо, бора-бора ичкиликка берилиб қолди-ю, дунё ташвишлари билан иши бўлмай қўйди. Буниси ҳам майли, маст чоғида арзимаган баҳоналар билан турмуш ўртоғи Хурсандой Йўлдошевага қўл кўтарадиган қилиқ чиқарди.

Аввалларига онда-сонда бўладиган бундай дилхунликлар кун сайин қўр ола бошлади.

Қўни-қўшниларнинг айтишича, Хурсандой чеки кўринмайдиган машмашалардан безиб, ажрашмоқчи ҳам бўлган. Аммо ҳуши бошига қайтгач, болаларининг отаси кўзёш қилиб, кечирим сўраб боргач, кўнгли юмшаганча яна оиласига қайтаверган. Ниҳоят сўнгги жанжал ва калтакланишдан сабр косаси тўлган аёл жонига қасд қилган.

Золим эр қонуний жазосини олди.

Комил ЁРИЕВ,
Навбаҳор туман прокурори

Маълумки, меҳнат дафтарчаси ходимнинг иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Уни тутиш, юритиш, тўғри расмийлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Жиззах вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси меҳнат, давлат ҳуқуқий инспекцияси бошлиғи А.Қаршибоев мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАНГИЗ БОРМИ?



Долзарб мавзу

— Иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт (ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно). Ўз навбатида иш берувчи меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни унда акс эттириши шарт. Ходимнинг илтимосига биноан меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишлаган ва вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлар ҳақидаги ёзувлар киритилади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасига ёзилмайди.

Меҳнат дафтарчаларини юритишнинг ягона тартибини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатга олинган «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома белгилаб беради.

Мазкур йўриқномага 1999 йил 11 июнда рўйхатга олинган 1-сонли, 2001 йил 19 майдаги 2-сонли, 2007 йил 14 апрелдаги 3-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Уларга кўра ҳар бир корхона ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, лекин штат жадвалида назарда тутилган ходимлар сонидан ошмаган ҳолда, меҳнат дафтарчалари сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Меҳнат дафтарчалари ва меҳнат дафтарчаларига қўшимча варақлар корхоналар томонидан маҳаллий меҳнат органларидан шартнома асосида сотиб олинади. Меҳнат дафтарчаларини бошқача тартибда сотиш, шунингдек, фуқаролар томонидан меҳнат дафтарчаларини сотиб олиш тақиқланади.

Меҳнат дафтарчаси ва меҳнат дафтарчасига қўшимча варақларни корхоналар томонидан қайта сотишга ёки бошқача тартибда бегоналаштиришга йўл қўйилмайди.

Шартнома бўйича меҳнат дафтарчалари, меҳнат дафтарчасига қўшимча варақлар сотиб олган корхоналар бундай шартномалар тузилганидан кейин бир ойдан кечиктирмасдан улар мақсадли ишлатилганлиги тўғрисида меҳнат органларига маълумот тақдим қилишлари лозим.

Меҳнат дафтарчалари, меҳнат дафтарчасига қўшимча варақларни сотиб олиш, ҳисоботини олиб бориш ва тасарруф этиш тартибига риоя қилишни назорат қилиш маҳаллий меҳнат органлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Суҳбатдош:
Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

ЛОҚАЙДЛИК ПАНД БЕРДИ

Меҳнат муҳофазаси

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда инсон соғлиги учун зарарли омилларни бартараф этиш, бахтсиз ҳодисалар олдини олиш ва иш жойларининг санитария-гигиена жиҳатидан қониқарли бўлиши учун зарур чора-тадбирларни кўриш масъулияти маъмурият зиммасига юклатилган. Аммо, афсуски, баъзи раҳбарларнинг ва мутасадди шахсларнинг меҳнат Қонунчилигига бид меъёрий ҳужжатларга жиддий риоя этмаслиги боис бахтсиз ҳодисалар рўй бериб, оилаларга кулфат ораламоқда.

2008 йилнинг 15 сентябр куни Боёвут тумани электр тармоқлари корхонасига истеъмолчилардан ариза тушди. Вазиятни ўрганиш учун жамоадан уста И.Йўлошев ва электромонтёрлар Ш.Элбоев, И.Зарифовлардан иборат гуруҳ йўлга отланди. Маҳалла ҳудудидаги трансформаторда кучланиш меъёрида эканлиги аниқланган, тармоқдаги симларни алоҳида-алоҳида ажратиб, текшириб кўрмоқчи бўлишди. Табиийки, бундай ҳодиса учун трансформатор ўчирилиши керак эди. Ш.Элибоев билан И.Йўлдошев уни ўчириш учун кетишди.

Электромонтёр Икром Зарифов симёғоч олдида қолди. Бир оз вақт ўтгач, у шерикларини кутиб ўтирмай симёғочга кўтарилди ва ток уриб, симёғочда ҳимоя белбоғига осилиб қолди. Трансформаторни ўчириб қайтиб келган ҳамкасблар симёғочда осилиб турган жонсиз танани кўриб, даҳшатга тушдилар. Жабрланувчи зудлик билан шифохонага етказилди. Аммо вақт ўтган эди. Ваҳоланки, И.Зарифов корхонанинг энг тажрибали электромонтёрларидан саналарди. 47 ёшни қаршилаган бу йигит роппа-роса 26 йилдан буён шу жамоада меҳнат қилиб келарди. Бахтсиз ҳодиса, албатта, маъмуриятнинг ҳам айби бор. Хизматчини техника хавфсизлиги қоидаларидан хабардор этиш, унга керакли йўл-йўриқлар, тавсиялар бериш ишларига эътиборсизлиги туфайли ана шундай кўнгилсиз ҳодиса юзага келди.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

КЎЗЁШЛАРГА ИШОНИБ...

Соддадил халқмиз. Самимият, бири-бирини қўллаш, бағрикенглик миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Лекин нопок йўллар билан бойлик орттирмоқчи бўлган айрим кимсалар бир кун келиб ўзлари алданиб қолишлари мумкинлигини ўйлаб кўришармикан?

Келинг, яхшиси, эътиборингизга бектемирлик Мукаррамхон Валиеванинг бошидан кечирганларини ҳавола этайлик. Хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола...

— Бозор-ўчар қилиш учун ҳар ҳафта «Қўйлиқ» бозорига келиб турамиз. 2008 йил 19 июл куни ҳам бозорга келиб, соат 11 ларда икки қўлимда гулдор пакетга жойланган озиқ-овқатлар билан уйга қайтаётгандим. Кўприк остидан ўтувчи йўл муюлишида бироз тўхтаб, шарбат ичдим. Энди юраётсам, мен томонга қўл силтаб қирқ ёшлардаги нотаниш икки аёл кела бошлади. Оқ рўмолни бўйнидан ташлаб олишган. Нигоҳлари маҳзун:

— Синглим, биз вилоятдан келганмиз, — деди аввал етиб келгани, кейинчалик маълум бўлишича Назокат Бўронова. — Турмуш ўртоғим эски ТошМИдаги шифохонада оғир аҳволда ётибди. Пул зарур бўлгани учун ҳар нарсага тайёрмиз.

Аёл ўҳ тортаркан, бир дафъа кўзёш ҳам қилиб олди. Сўнг давом этди:

— Бор-будимизни сотдик. Энди тилла тақинчоқларимни сотмоқчи бўлиб заргарларга учрасам, улар нархини ерга уриб, арзон сўрашаяпти. Очиққина жувон экансиз. Келинг, биз мусофирларга бир яхшилик қилинг. Тақинчоқларимни яхшироқ нархда пуллаб берсангиз, сизга ҳам 5-10 минг сўм ҳадя этардим.

Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!

— Нималар деяпсиз, опа? — дедим кўнглим бузилиб. Ҳатто қўшилиб йиғлашга ҳам тайёр эдим. — Менга пул-мулингиз керак эмас. Шундай кунда бирбиримизга қайишмасак, гуноҳ бўлади-я.

Далдали гапимдан бечорахол кўринган аёллар анча тетиклашиб қолишди. Суҳбатдошим қўлидаги қизил рўмолчани кафтида очиб, бармоғидан битта қизил кўзли ва иккита кўзсиз тилла узукни ечиб унга солди.

— Мана тақинчоқлар, айланай. Айтмоқчи, мен сизга ишонишим учун сиз ҳам бўйнингиз ва қўлингиздаги тақинчоқларни ечиб, шу рўмолча ичига солиб олинг. Шундай қилсангиз, магазиндагилар ҳам шубҳа қилишмайди, — деди аёл.

Мен рўмолча барибир ўз қўлимда туришини ўйлаб, қулоғимдаги қизил кўзли олтин зирагимни, бўйнимдаги ўртача нархи 400 минг сўмдан кам бўлмаган тилла занжирларимни ечиб, ўша рўмолчага жойладим. Аёл бўлса рўмолча учларини банд-банд тугиб, кафтимга қўйиш арафасида янада ширингўфторлик билан қалбимни забт этишга уринди: «Сиз таниш бўлмаган аёлнинг касал эрига яхшилик қилаяпсиз. Бу ишларимизнинг савоби худойимдан қайтсин!». Мен бироз чалғиб, ғурурланганча қизил тугунчани кафтимга сиқдим.

— Ҳа-я, синглим, бозорда тўдалашиб юрмайлик. Сиз тақинчоқларни пулга алмаштириб, соат 12 ларда учрашган жойимизга қайтинг. Биз сиз каби диёнатли аёлга ишонамиз.

— Бўпти, ҳар эҳтимол учун менинг қўл телефонимни ёзиб олинг.

Шундай деб, 7 та рақамни уларга қайта-қайта такрорлаганча бозор ичидаги тилла буюмлар сотиладиган дўконга кириб бордим.

Дўкондор қиз билан сўрашгач, ёнимга чақириб, тақинчоқларни сотиб олишни таклиф қилганча тугунчани еча бошладим. Не кўз билан кўрайки, тугунга тақинчоқлар эмас, ҳар хил тошчалар солинган эди. Буни кўриб эсим оғаёзди. Ҳаракатимга сотувчининг кулимсиб қараб турганини эслайман, холос!

— Уф-ф, бечора десам, у нокаслар мени алдашибди. Кафтимга қўйиш пайтида қизил рўмолчани бошқасига алмаштирибди.

Юрагим дукурлаб ура бошлади. Шу югурганча ҳалиги аёллар билан учрашган жойга етдим. Қаерда дейсиз. Уларнинг қораси ҳам кўринмади. Бир неча соат телбалардек ахтариб, охири қарийб бир миллион сўмлик бойликни бой берганимни англадим!

«Мол аччиғи — жон аччиғи» деганлари рост экан, шундан сўнг бир неча кун тобим қочиб, уйда ётиб қолдим. Зарурат туғилиб, яна бозорга бориш учун «Қўйлиқ» шоҳбекати ёнидан ўтаётсам, қизиқ ҳолат юз берди. Тасодифан мени бир неча кун олдин чув туширган ўша товламачи аёлни учратиб қолдим. Қарангки, у қизғин «иш устида» эди. Бир ҳомиладор қишлоқ аёлини йўл четига чорлаб, менга қилган нағма-ю кўзёшларини қайтариб турарди. Нафратим ҳаддан ошиб кетди. Ёнига бориб билагидан маҳкам тутдим: «Сизни танидим, жодугар! Охири топдим-а! Яна бир соддадилни авраяпсиз, худодан қўрқмайсизми? Тилла тақинчоқларимни қайтариб беринг!».

Оҳ-фарёдга халқ беэътибор эмас. Бирин-кетин ўткинчилар тўпланаётганди, товламачи силкиниб қўлимдан чиқди-ю, яқин орадаги «Нексия»га ўтириб, қочмоқчи бўлди. Мен машина йўлини тўсиб, ҳайдовчидан товламачининг қочиб кетишига йўл қўймаслигини сўрадим. Ҳалиги товламачи бўлса уловдан тушиб, яна бир «Тико» эгасига ялинди. Бироқ энди кеч бўлганди. Гапнинг нимада эканлигини англашиб, барака топгур милиция ходимлари ҳам кўмакка келишди. Шу зайил ҳақсизликнинг пайи қирқилди. Ҳалол маошимдан сотиб олган тақинчоқларимни Бектемир туман ИИБ ходимлари кўмагида қайтариб олишга муваффақ бўлдим.

Мукаррам Валиева қайд этганидек, гумондор аёл Назокат Бўронованинг чўнтагидан тошчалар тугилган 3 та қизил рўмолча чиқди. Ҳаётини алдоқчилик устига қурган аёл Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбли деб топилиб, жазосини олди.

Бобур ҲАМИДОВ,
Бектемир туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари

Ishonch 2009-yil 6-yanvar
№ 2 (2571)

— Келинг, қорбўрон ўйнаймиз!

Икром ҲАСАНОВ
фотолавҳаси

Таэквондо ITF

Таэквондо жозибаси билан ёшларимизни ўзига жалб қилаяпти. Тошкент шаҳридаги 47-мактаб залида ўтаётган машғулотларни кузата туриб, ёшлардан бирини суҳбатга тортдик.

Улар юртнинг эртаси

— Мен Маъруф Тоштемиров,1993 йил туғилганман. Икки йилдан буён таэквондо ITF билан шуғулланаман. Бунгача юнон-рум кураши машғулотларига қатнагандим, — деб ўзини таништирди устозининг тавсиясига кўра ҳамсуҳбатимиз. — Таэквондонинг гўзаллиги шундаки, рақибни енгиш учун икки дақиқа давомида унинг нима қилмоқчи эканлигини олдиндан сезиш, ҳимояланиб, аниқ зарбалар йўллаш талаб этилади. Бу эса спортчидан нафақат қўл ва оёқларини, балки ақлини ҳам ишга солишни талаб этади. «Тил» машқларини бажариш эса сизни аниқликка етаклайди. Жамоавий «тил»да беш спортчи машқни бир вақтда тўғри бажариши лозим. Бир кишининг хатоси ҳам жамоага қимматга тушади.

— Машқларнинг самараси мусобақаларда кўринади. Икки оғиз шулар ҳақда ҳам тўхталсангиз...

— 2007 йили Олмалиқда ўтган турнирда 40 кг. вазнда бронза медалига эришдим. Ўтган йили эса «Жар» спорт мажмуасида ташкил этилган Ўзбекистон чемпионатида «массоги»дан 45 кг. вазн тоифасида бронза, жамоавий «тил» машқларида эса кумуш медалга эришдим. Шунингдек, ҳозиргача олти марта республика таэквондо ITF ассоциацияси мутахассислари кўз ўнгида турли рангли белбоғларга имтиҳон топширдим.

Имтиҳон пайти сизга айтилган «тил» машқини бехато бажаришингиз талаб этилади.

Сариқ ва яшил белбоғ талаб этадиган босқичлардан ўтдим. Яқинда қизил белбоғнинг биринчи шартини бажариб, иккинчиси учун ўзимга йўл очдим. 2009 йил якунига қадар қора белбоғ соҳиби бўлишни дилимга тукканман. Тинимсиз машқ жараёнида бунга эришиш мумкин.

Айни пайтда пойтахтдаги 268-мактабнинг 9-синфида ўқияпман. Дарсларни яхши кўраман. Расм чизишга қизиқаман...

Дарҳақиқат, ўғил-қизларимиз орасида шарқ яккакурашлари сирларини ўрганаётганлари кўп. Юрт корига ярайдиган мард ва жасур, комрон авлод вояга етмоқда. Уларнинг фикрлаши, тафаккури, ўзига бўлган ишончи, устозларига ҳурмати кишини қувонтиради.

Ўқинг, бу қизиқ

Феъл-атворни уқиш сири

Барчамиз яқин кишиларимиз, ҳамкасб ва бошлиқларимизнинг феълини, фазилатларини ўрганишга ҳаракат қиламиз. Буни билишнинг унча қийин ери йўқ экан. Қадимда ота-боболаримиз инсоннинг кимлиги, қандай фазилатларга эгалиги, ҳатто қанақа тақдир соҳиби бўлишини қийналмай айтиб беришган. Бунинг учун кишининг кўзи, қоши, бурни, қулоғи ҳақидаги ва шунга ўхшаш маълумотларнинг аниқ ва тугал бўлиши талаб этилади. Қуйида ўрта асрларда ёзилган «Қиёфа ул-башар» китобида келтирилган хулосаларни эътиборингизга ҳавола этамиз. Асар бундан анча олдин ёзилгани ва ўз даврининг дунёқараши, билими, топонимикасидан келиб чиқиб битилгани боис, ҳозирги кишиларга бир қадар мос келмаслиги эҳтимолдан холи эмас.

Кўз. Кўз анчайин катта ва қора бўлса, унинг соҳиби суст ва беғайрат бўларкан. Бунинг акси бўлган, яъни кўзлари кичик одам эса енгилтабиат ва бефаҳм саналаркан.

Катта-кичикликда ўртача бўлган кўз ҳаё, вафо ҳамда садоқат белгисидир. Кимнинг кўзи чуқур бўлса, бу унинг фосиқ, хасис, такаббур, ўзгалар ҳақидан қўрқмайдиган, ичиқора бўлишини билдирарқан.

Бўртиб чиққан кўз беҳаёлик ва бахилликдан, тез-тез юмиб-очилаётган, тинмай пирпираётган кўз эса соҳибининг алдоқчи ёки ўғри эканидан хабар беради.

Кимнинг кўзи катта, қизил, иллати йўқ, беғубор бўлса, умри узун ва ўзи полвон бўлишини билдиради. Чақир кўзли инсон бахил, беҳаё ва ҳимматсиздир. Кимнингдир кўзи кичик, бунинг устига кўк бўлса, бундай одам ҳийлагар бўларкан. Киши кўзи мушукники сингари юмалоқ бўлса, бу саодатлилик ва шодмонлик белгиси. Кўзнинг катта-кичиклиқда, ранг-тусда ўртача бўлиши соҳибининг намунали хулқ ва одатлар соҳиби эканидан дарак беради.

Лаб. Қалин, сергўшт лаб аҳмоқлик, бетамизлик, адоватлилик, ичиқораликдан далолат. Юпқа лабли кишилар нозик табиатли экан. Кимнинг лаби қора ёки кўк бўлса, у баднафс ва нопок бўларкан. Қизил лаб эса соҳибининг саодатли ва насли тоза эканининг белгиси. Сариқ, заъфарон лаб дардмандлик, хасталикдан дарак.

Қулоқ. Кичик қулоқ инсоннинг нодон ва жоҳил эканини билдиради. Кимнинг қулоғи катта бўлса, бундай одам яхшиликни севгувчи, эшитганларини сира эсдан чиқармайдиган, узоқ умр кўрадиган инсонлар сирасидандир. Улар табиатан вазмин, аммо жаҳли чиққанда тўнларини тескари кийиб олишлари мумкин.

Қулоғи ўртача киши ақл-фаросатли ҳамда саодатманддир. Қулоқ ости сергўшт бўлса, бу унинг бир кунмас бир кун бадавлат кишига айланишидан дарак беради.

Оғиз. Оғзи кичик киши юраксиз ва қўрқоқ, бироз ваҳимага мойил бўларкан. Катта оғиз эса эгасининг довюрак ва бақувватлиги белгисидир. Айниқса, оғзи катта аёлларни ҳеч бир ишда ҳеч қачон чарчатиб бўлмайди. Шу боис донолар оғзи катта, қошлари баланд, кўзи бўртиб чиққан аёллардан нари юришни, бундай сифатлардан холи аёлга уйланишни маслаҳат берадилар.

Бурун. Ингичка бурун енгилтаклик ва ақли калталик белгисидир. Бурни ялпайган ва тешиклари катта кишиларнинг жаҳли тез бўларкан. Бурни эгри одамлар иккиюзламачи ва зинони севгувчи бўлишади.

Катта-кичикликда ўртача бурун фаросатлиликдан далолат. Кимнинг бурни узун, катта, учи тўтининг тумшуғига ўхшаса, бадавлат бўларкан. Аксинча, бурунниг икки чети бироз кўтарилган ва ўртасига нисбатан баландроқ бўлса, бу қашшоқлик аломатидир.

Қош. Кимнинг қоши қалин, узун ва мўйлари кўп бўлса, бу инсоннинг такаббур, ўзбилармон ва жоҳил эканидан дарак берар экан. Қошлари бир-бирига туташ киши меҳрибон бўларкан.

Агар қош узун-қисқаликда ҳам, қораликда ҳам ўртача бўлса, фаросат, диёнат, нозик табиатлиликдан далолат. Қошининг учи ингичка, бошланиши йўғон бўлган инсон урушқоқ ва фитначи бўлармиш. Қош кўзга нисбатан одатдагидан баландроқда жойлашган бўлса, бу кам ақл, такаббурликдан огоҳлантиради. Шунингдек, қошнинг туклари узун-узун бўлса, ҳимматли, шижоатли, шу билан бирга аччиғи тез ва урушқоқ бўларкан.

Жамшид НИЁЗОВ
тайёрлади

«Пахтакор»да янгилар

Футбол

Тошкентнинг «Пахтакор» клуби янги йилдаги дастлабки йиғинини БААнинг Шаржа шаҳрида ўтказмоқда. Клуб расмий сайтида берилган маълумотга кўра, жамоа сафига икки нафар сербиялик футболчи қўшилган. Сербия чемпионатининг биринчи даврасини «Напредак» клубида ўтказган футболчилар айни пайтда «Пахтакор» кўригидан ўтаяпти. Бири 1983 йил 30 март куни таваллуд топган ҳимоячи Милан Николич бўлса, иккинчиси 1982 йил 24 апрел куни туғилган ҳимоячи Боян Миладиновичдир. «Пахтакор»чилар бугун маҳаллий клублардан бири билан майдонга тушса, 9 январ куни Сингапур терма жамоасига қарши, 13 январда эса «Мегаспор» (Қозоғистон) клуби билан ўртоқлик ўйини ўтказади.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши жамоаси ишлар бошқармасининг катта инспектори Малика Закировага волидаи муҳтарамаси

ФАРИДА аянинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон — умумий уйимиз

Тиллар, диллар муштарак

Бутун республикамизда бўлгани каби Қашқадарёда яшаб, меҳнат қилаётган барча миллат вакиллари ватанимиз равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Вилоят рус миллий-маданий маркази яқинда воҳада истиқомат қилаётган кекса авлод вакилларини бир пиёла чойга чорлаб, улар билан қизғин мулоқот ўтказди. Марказ раҳбари Елена Кучеренконинг таъкидлашича, ёши 70-80 дан ошган уруш ва меҳнат ветеранлари ўзларининг шонли ҳаёт йўли ҳақида ёшларга сўзлаб бердилар.

Қарияларни суҳбатга тортамиз.

Иван Бех:

— 80 ёшдаман. Қарийб ярим аср ҳарбий авиатехник бўлиб ишладим. Пенсияга чиққанимдан сўнг 1995 йили «Шуҳрат» медали билан тақдирландим. 2000 йилдан бери Қаршида яшайман.

Иван бобо умр йўлдоши Евдокия Бистрова билан учрашувга ташриф буюриб, кўрсатилган ғамхўрликдан беҳад мамнун эканлигини изҳор этди.

Саксон ёшли Собир Канзафаров кўп йиллар паровоз машинисти ёрдамчиси бўлиб ишлаган. У «Қашқадарё нефт ва газ қурилиш-таъмирлаш» акционерлик жамиятига қарашли тепловозни бошқариб, пенсияга чиққан.

Тиббиёт хизмати кичик лейтенанти Лидия Краева, собиқ темирйўлчи Анна Анцеферова, локомотив депоси ветерани Нина Дявконова, ҳисобчи Олга Сирожиддиновалар ҳам ярим аср мобайнида халқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат қилишди.

Қарши давлат университети қошидаги академик лицейда уюштирилган дўстлик кечаси миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш тантанасига айланди.

Республика байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев, вилоят ҳокимининг маданий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Маматқул Ражабов, университет профессори Обод Жўрақулов, хорижий давлатлар билан дўстлик, маданий-маънавий алоқалар вилоят бўлимининг бошлиғи Салоҳиддин Умаровлар қатнашчиларни қизғин қутладилар.

Воҳада 20 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади. Айни пайтда рус, татар, бошқирд, корейс, араб, туркман миллий-маданий марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Талабалар ижро этган ўзбек, рус, немис, украин тилидаги шеър ва қўшиқлар тўпланганларда катта таассурот қолдирди. Халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун корейс миллий-маданий маркази раисининг ўринбосари Валерий Нигайга фахрий ёрлиқ топширилди.

Саккиз йилдан бери рус миллий-маданий марказига раҳбарлик қилаётган Елена Кучеренко ўзбек, рус, украин тилларида дилрабо қўшиқлар ижро этди. Галина Баран ёзган ва куй басталаган «Қарши валси» қўшиғи гуллаб-яшнаётган кўркам шаҳарга бағишланган.

Дўстлик анжумани турли халқ вакиллари ўртасидаги қардошликни янада мустаҳкамлаш, ўзига хос миллий анъана, урф-одат ва қадриятларни тиклаш ҳамда ривожлантириш байрамига айланди.

И.ИСОМИДДИНОВ



ПИСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
O'K.U.F. F.T.U.U.
ОЛИЙ БАХТ

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-03-90

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko`rsatkichi:
133; 134

Navbatchi muharrir: T.Shernayev
Navbatchi: A. Abdullayev
Musahhih: N.Mahamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchilar: H.Abdujalilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h)- Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.30

Буюртма Г — 15

1756[illegible] nusxada bosildi